

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

## БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ  
ҲАФТАЛИК, ТАҲЛИЛИЙ НАШРИ

ISSN 2010-6602

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

2021 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ № 05 (1288)



### “ТУРОНБАНК”ДА “ИСЛОМ ДАРЧА”СИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бугун мамлакатимизда ишбилармонларга яратиб берилётган шароитларни, ўтган йиллар билан солиштириб бўлмайди. Таклиф этилаётган иқтисодий – ижтимоий хизматларнинг ранг-баранглиги, хорижий кредит линиялари ва инвестициялар оқимининг кўпайгани, соғлом бизнес муҳитининг шаклланишига туртки бўлмоқда. Айниқса, юртимиз аҳолисининг катта қисмини ислом динига эътиқод қилувчи фуқаролар ташкил этишини инobatга олсак, уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда шариат қоидалари мувофиқ келувчи банк маҳсулотларини тақдим этиш зарур саналади.



(Давоми 3-саҳифада)

#### ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ГУРУҲИ БОШҚАРУВЧИЛАРИ КЕНГАШИ РАИСИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ислам тараққиёт банки (ИТБ) Гуруҳи Бошқарувчилари Кенгаши – Банк олий бошқарув органи Раиси этиб Ўзбекистон томонидан Бошқарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзаков сайланди.

Finance.uz

## БАНКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида келгуси беш йилликда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг 4 та устувор йўналиши, хусусан, банк тизимининг самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, банк хизматлари оммабоплигини таъминлаш ҳамда банк тизимида давлат улушини қисқартириш бўйича вазифалар белгиланган эди. Бу борада айни кунда қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

(Давоми 2-саҳифада)

## ҚАЙСИ ҲУДУДА КЎПРОҚ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛДИ?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилда кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 45817,3 млрд. сўмни ташкил этди. Умумий хизматлар ҳажмида молиявий хизматларнинг улуши 20,9% га тенг.

- Ҳудудлар кесимида молиявий хизматларнинг ҳажми:
- Қорақалпоғистон Р. – 1 284,9 млрд.
- Андижон – 2 204,2 млрд.
- Бухоро – 1 625,5 млрд.
- Жиззах – 1 238,3 млрд.
- Қашқадарё – 1 593,8 млрд.
- Навоий – 1 241,2 млрд.
- Наманган – 1 496,7 млрд.
- Самарқанд – 2 077,9 млрд.
- Сурхондарё – 1 557,0 млрд.
- Сурдарё – 989,4 млрд.
- Тошкент – 2 291,0 млрд.
- Фарғона – 2 323,1 млрд.
- Хоразм – 1 267,1 млрд.
- Тошкент ш. – 24 627,2 млрд.



stat.uz

#### КАССАНИ ЎЗ КИССАСИ БИЛАН “АДАШТИРДИ”



4 >

#### БИТКОИННИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ



8 >

#### 79% ПРЕДПРИЯТИЙ - ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ИХ БИЗНЕСА УЛУЧШАТСЯ



15 >





## БАНКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур саволга Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти директори Санжар Носиров қуйдагиларни маълум қилди.

– Банк тизимига оид ишлаб чиқилган стратегиянинг асл мақсади – замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, соҳага банк ишининг умумэтироф этилган нормалари ва халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган комплекс ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат.

Ҳозирда давлат иштирокидаги банклар фаолияти халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари билан трансформация қилиниб, тижорат банклари бошқарув органларига банк соҳасида халқаро тажрибага эга юқори малакали экспертлар жалб этилган. Албатта, бу борадаги ишлар ўз самарасини бериши тайин.

Стратегияда белгиланган вазифалар доирасида банкларнинг кредит портфели ўсишини оптималлаштириш ва кредитларнинг концентрациялашуви таваккалчиликлари камайтирилмоқда, банкларга нисбатан қўлланиладиган халқаро тан олинган минимал стандартлар ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрий ва назорат базалари қайта кўрилмоқда. Банк назорати бўйича эса Базель кўмитаси тавсияларини инobatга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, энг муҳими давлат иштирокидаги банкларнинг мижозга йўналтирилганлик даражаси оширилиб, “банк мижоз учун” тамойилига амалга қилишга жиддий ҳаракатлар қилинмоқда. Бу жараёнда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва банк тизимида давлат улушини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, банклар давлат иштироки сақлаб қолинадиган ҳамда хусусийлаштирилган банкларга ажратилди.


Мазкур тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш назарда тутилган.

Шунингдек, банк тизимини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш даврида ҳосил бўладиган иқтисодий бўшлиқларни тўлдириш, яъни барча аҳоли қатламларининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш мақсадида давлат иштироки 3 та банкда – “Миллий банк”, “Агробанк” ва “Микрокредитбанк”да сақлаб қолиниши белгиланди.

Стратегия доирасида банкларни трансформация қилиш ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилиб, “Узсаноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека-банк”, “Алоқабанк”, “Туронбанк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк” хусусийлаштиришга тайёрланмоқда ва камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН БАНКИНИНГ “СТАТИСТИКА САЛОҲИЯТИ ИНДЕКСИ”ДА 67-ЎРИНГА КЎТАРИЛДИ

Мамлакатларнинг миллий статистика тизимини ривожланганлик даражасини баҳолаб борадиган Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”да Ўзбекистон 67,8 балл билан 154 та давлат орасидан 67-ўринни эгаллади.



Мазкур индекс мамлакатнинг статистик салоҳияти, эришаётган ютуқлари ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган ислохотлари натижаларини акс этдиради.

Ўзбекистон Республикаси илк бор мазкур индекс бўйича 2016 йилда баҳоланган бўлиб, 48,9 балл билан умумий 133-ўринни эгаллаган.

Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида “Микрокредитбанк” АТБ Навоий вилоят минтақавий филиалининг навбатдаги янги Банк хизматлари маркази очилди.

## “МИКРОКРЕДИТБАНК”НИНГ ЯНА БИР ЯНГИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Зарафшон шаҳрининг марказида ташкил этилган “Қизилқум” банк хизматлари маркази тўла қувватларда фаолият олиб бориб, юридик ва жисмоний шахсларга барча қулайликлар яратилган ҳолда кенг қўламли банк ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатади.

Хусусан, марказда жисмоний ва юридик шахслар учун қулай шартлардаги кредитларни расмийлаштириш имконияти яратилган. Кредит карталари қисқа муддатда расмийлаштириб берилди. Бу эса мижозларнинг банкларга нисбатан ишончини ошириб, қимматли вақтини тежайди.



Бундан ташқари мижозлар, мутахассислар маслаҳатини олиш, ҳисобрақам очиш ва кредитлар олиш учун ариза бериш, кўплаб турдаги муддатли ва жамғарма омонатларига маблағлар қўйиш, онлайн омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар, валюта айирбошлаш ва халқаро пул ўтказмаларини ҳамда касса хизматларини амалга ошириш имконияти яратилган.

## СПОРТ МУСОБАҚАСИ СТАРТ ОЛДИ

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ходимлари ўртасида спортнинг стол тенниси тури бўйича мусобақа старт олди.



Маълумки, 2020 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган.

Банкда мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича 2021 йил учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва Бошқарув раҳбарияти томонидан тасдиқланди.

Шу асосда ташкил этилаётган мусобақа бир неча босқичда ўтказилади. Дастлаб, иштирокчилар рўйхати шакллантири-

либ, гуруҳларга бўлинди ва қуръа ташлаш орқали саралаш босқичидаги рақиблар аниқланди.

Дам олиш кунлари илк баҳслар бўлиб ўтди ва гуруҳлардан навбатдаги босқич иштирокчилари аниқланди. Эраклар ўртасидаги мусобақа ғолиблари февраль ойи охирида аниқланади.

Спортни кенг тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, ходимларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, шу жумладан хотин-қизларни оммавий спорт турларига фаол жалб этиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси доирасида ташкил этилаётган биринчилик март ойида хотин-қизлар ўртасида бадминтон мусобақаси тарзида давом эттирилади.

Биринчилиكنи қўлга киритган ходимлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

## “ТУРОНБАНК”ДА “ИСЛОМ ДАРЧА”СИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Замонавий трансформация жараёнларини бошдан ўтказётган “Туронбанк” айна шу йўналишда доимий ва ишончли ҳамкори бўлиш Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан навбатдаги муҳим шартномани имзолади. Унга кўра, энди “Туронбанк”да “Ислом дарча”си тамойили асосида Ислом банкчилиги тизимини жорий этиш бўйича маслаҳат бериш ва ушбу тизимни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ишлар бошланди.

Бутун жаҳонда қутилмаган пандемия ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганлиги сабабли хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси раҳбари жаноб Айман Амин Сежиний ва уларнинг жамоаси билан учрашув ҳамда “Ислом дарча”си очиш бўйича шартнома онлайн шаклда, видеоконференция алоқа кўринишида ўтказилди.

– “Сизга маълумки, сўнгги 4 йил давомида Ўзбекистон иқтисодиёти, айниқса, банк тизими халқаро ҳамкорлар билан ишлаш масаласида очиқлик ва шаффофик тамойиллари асосида ривожланмоқда. Бунда албатта, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсат йўналишида олиб бораётган саъй – ҳаракатлари, хусусан, Саудия Арабистони билан турли соҳаларда мустаҳкамланиб бораётган алоқалар муҳим аҳамиятга эга, – деди “Туронбанк” АТБ Бошқарув Раиси Чори Мирзаев. – Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2019 йил 5 мартдаги “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чо-



ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари айна ислохотларга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам “Ислом молиясининг ҳуқуқий асосларини яратиб вақти келди” деб айтган ташаббуси ҳам ушбу соҳанинг мамлакатимизда жуда муҳимлиги ва иқтисодиёт ривожидида ўрни жуда юқориликдан дарак беради.

Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси раҳбари жаноб Айман Амин Сежинийнинг сўзларига кўра, бугун Ўзбекистон аниқ режа асосида тараққиётнинг янги босқичини бошдан ўтказмоқда. Деярли барча соҳаларда хориж тажрибаси асосида иш ривожини ташкил этиш, айниқса, иқтисодий тармоқнинг ривожланишида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилаяпти. Ишбилармонларга яратилаётган шароитлар, мамлакатдаги кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаштириш тизими такомиллашяпти.

– “Фикримнинг исботини бугун биз яқин ҳамкоримиз бўлиш “Туронбанк” АТБ билан имзоланган муҳим ҳужжат ҳам исботлайди. “Ислом дарча”си кўплаб ўзбек тадбиркорлари ва аҳолисининг қизиқишларини ортириб, молия муассасасига ҳам катта фойда олиб келишига ишонамиз. Ҳамкорлигимиз доирасида шарият талаблари асосида янги банк маҳсулотларини яратиш, мижозлар

билан ишлаш, бу борада замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, ходимларнинг айна йўналишдаги билимларини ҳам амалий ҳам назарий жиҳатдан оширишга яқиндан кўмак беришга тайёрмиз. Зеро, бу орқали икки томонлама муваффақиятли ҳамкорлигимиз, стратегик шерикликнинг бир ифодаси сифатида ҳам гавадланади, – деди Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси раҳбари жаноб Айман Амин Сежиний.

Дарҳақиқат, “Туронбанк” АТБда “Ислом дарча”сини ишга тушиши бўйича тайёргарлик ишлари ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда биргаликда қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга туртки бериши шубҳасиз. Бунинг натижасида банк томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, Исломий тамойилларга асослаган чакана ва корпоратив маҳсулотларни таклиф этувчи инструментни яратиш имкони пайдо бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш керак, Туронбанк Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан 2019 йили Жидда шаҳрида 10 млн. АҚШ долларлик “Кичик ва ўрта бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш” тўғрисидаги шартномани имзолаган эди. Унинг доирасида кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш кувватлари оширилиб, янги иш ўринлари яратилди.

## БАНКНИНГ КАПИТАЛ ЭТАРЛИЛИК КЎРСАТКИЧИ ИЖОБИЙ

*Халқ банки ривожланишининг аниқ стратегиясига эга. Бошқача айтганда, кўзлаган мақсадларига қачон ва қандай қилиб эришишини қадамба-қадам белгилаб олган. Бу худди пухта сценарийдай гап.*

Этиборли жиҳати, бу стратегия фақат муваффақият қозонишгина эмас, балки муваффақиятсизликка учрамасликни ҳам кафолатлайди.

Масалан, молия муассасалари учун муҳим бир мезон бор. Уни капитал етарлилик кўрсаткичи, деб атаймиз. Ана шу кўрсаткичнинг белгиланган меъёри 13 фоизга тенг.

Халқ банки эса маррани бундан ҳам баландроқ олди. Капитал етарлилик кўрсаткичининг минимал даражасини ўтган йил учун Риск аппетитида юқоридаги меъёрдан бир поғона ошириб, 14 фоиз этиб белгилади.

Натижа қандай бўлди? Буни мана бу рақамлар тасдиқлайди. Шу йил 1 январь ҳолатига кўра, Халқ банкнинг капитал етарлилиги 14,84 фоизни ташкил этди. Шу тариқа меъёрдан 1,84 фоиз юқори натижа қайд этилди.

2020 йил давомида банк кредит портфели 51 фоиз ўсиши ҳам ижобий кўрсаткич. Бунга асосан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат дастурлари ва Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган бошқа манзилли дастурларни кредитлаш ҳисобига эришилди. Мазкур ҳолат эса ўз навбатида, активлар ошишига олиб келиб, капитал етарлилик кўрсаткичи йил бошига нисбатан камайишига олиб келган.



Энди яна стратегия мавзусига қайтамиз. Халқ банки ривожланишига эришиш ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажаришда учраши мумкин бўлган рискларни ҳисобга олган. Шу тариқа капитал етарлилик кўрсаткичи талаблари бузилмаслиги бўйича ўз стратегиясини ишлаб чиққан.

Шунингдек, молия муассасамиз рискка тортилган активлар улушида муаммоли кредитларни ундириш ҳисобига капитал етарлилик кўрсаткичининг бир маромда ушлаб туриш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирларга эга.

Банк ўтган 2020 йилни 505 млрд. сўм соф фойда билан якунлади. Бу эса капитал етарлилик кўрсаткичига ижобий таъсир кўрсатади.


## БОШ ПРОКУРАТУРА: 66 МЛРД. СЎМЛИК МОЛИЯВИЙ ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Айни кунда барча поғонадаги мансабдорларнинг хизмат билан боғлиқ жиноятлари фош этилапти, бошқарув тизимларидаги коррупциоген омиллар ҳақида очиқ - ойдин айтиляпти.

Бироқ, яратилган шароитлар ва берилган имкониятларга қарамасдан коррупциявий жиноятлар содир этилишига барҳам берилгани йўқ.

Хусусан, сўнги икки йилда коррупциявий жиноятлар оқибатида республика бўйича 371 млрд. сўм бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланиб, бу қилмишлар учун 2.477 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий саҳифаси маълум қилмоқда.



Афсуски, қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл қурилишини амалга ошириш учун белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилмаслик, пудратчиларни таниш-билишчилик ёки пора эвазига танлаб олиш ёхуд манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш каби коррупциявий ҳолатлар кўплаб кузатилмоқда.

Биргина ижтимоий тармоқларда бу борада деярли ҳар куни бериб борилаётган таниш-билишчилик ёки пора эвазига танлаб олиш ёхуд манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш каби коррупциявий ҳолатлар кўплаб кузатилмоқда.

Шу боис, коррупция иллатига барҳам бериш, қонун устуворлиги ва жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ҳисоб палатаси томонидан республика ва ҳудудий ишчи гу-

руҳлари тузилиб, қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл қурилиши соҳаларида қонунийлик аҳволи ўрганилмоқда.

Қисқа муддатда мазкур соҳаларда қонунийликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, прокурорлар томонидан қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида жами 452 та объектда текширишлар ўтказилиб, уларнинг натижасига кўра қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли давлат органларига 46 та тақдимнома киритилди. 337 нафар шахс маъмурий ва 22 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, келгусида қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида 126 нафар мансабдор шахс ёзма равишда огоҳлантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига асосан, 1.379 та янги объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари қайта кўриб чиқилганда, дастлабки қийматга нисбатан 1,5 трлн. сўм ёки 22 фоиз ҳаражатлар ортиқча ва асосиз киритилганлиги аниқланиб қисқартирилди.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан бугунги кунда жами 82 та объектда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича текширишлар ўтказилиб, 66 млрд. сўмлик молиявий хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шу билан бирга, 23 млрд. сўмлик 21 та объектни куриш юзасидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўтказилган тендер ва танловларда буюртмачи ва пудратчилар ўртасида қариндош-уруғчи-

лик, таниш-билишчилик ҳолатларига йўл қўйилган.

Текширишларда аниқланган жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 111 та жиноят иши кўзга ташланди.

Дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят ишлари қатъий назоратга олинди ва айни пайтга келиб 24 та жиноят иши суд муҳокамасига юборилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ушбу тоифадаги жиноят ишлари бўйича давлат ва жамият манфаатларига 260,7 млрд. сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, унинг 47,6 млрд. сўми ундирилиши таъминланди.

Айни вақтда, етказилган зарарларни ихтиёрий тўламасдан келаётган, тергов ва суддан яшириниши эҳтимоли бўлган 36 нафар шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, бу борада Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси Бош прокуратура томонидан қатъий назоратга олинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4936-сон Қароридан лойиҳа ва пудрат ишлари ҳақида жараёнларининг шаффоғлигини таъминлаш, ушбу соҳада "Шаффоғ қурилиш" миллий ахборот тизимидан, шу жумладан электрон тендер платформасидан тизимли фойдаланишчораларини кўриш белгиланган.

Шу асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги "Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши кураш борасидаги ишлар кескин кучайтирилмоқда, дейилади Бош прокуратура хабарида.

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Андижон вилоятининг Жалакудук туманида хизмат вазифасидан фойдаланиб банкоматлардан 345,5 млн. сўмни ўзлаштирган Халқ банки мутахассисига нисбатан жиноят иши кўзга ташланди хабарлар тарқалди.



## ХАЛҚ БАНКИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРГА ҚАРШИ АЁВСИЗ КУРАШИЛМОҚДА

Мазкур ҳолат юзасидан Халқ банки расмий саҳифаси куйидагиларни маълум қилди.

Ўтган йилдан бошлаб Халқ банкни трансформация қилишга доир ислохотлар натижасида мазкур тизимда коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш ва олдини олиш юзасидан самарали механизм ишга туширилди. Ўз навбатида, банк Бошқарувида шу масалалар билан шуғулланувчи махсус Комплеанс назорат департаменти, жойларда эса ички назорат бўлимлари фаолияти янгидан ташкил

этилди. Коррупциявий ҳолатларни фош этишга қаратилган мобил илова яратилди. Шу асосда тизимда босқичма-босқич шаффоғлик муҳитини таъминлашга эришилмоқда.

Андижонда содир этилган жиноий ҳаракатлар ҳам Халқ банкнинг айнан ана шу коррупцияга қарши кураш тизими томонидан аниқланиб, сўнгра қонуний жазо кўриш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этилди.

Келгусида Халқ банки ўз тизимидаги ҳар қандай коррупциявий ҳолатларга қарши аёвсиз курашади.

## КАССАНИ ЎЗ КИССАСИ БИЛАН "АДАШТИРДИ"

Айрим кишилар ўз фойдаси учун "адашиб" кетишни хуш кўради. Аммо бунинг жавоби бор...



"S" оилавий корхонаси раҳбари С.Б. "Yangiariqtumangaz" бўлимига қарашли бинода шартнома асосида "Paynet" тизими агенти сифатида фаолият юритган. Аҳолидан хизматлар учун тўловларни қабул қилиш жараёнида эса кассани ўз кассаси билан "адаштириб" қўйди.

2020 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида ҳудуддаги 183 хонадондан табиий газ таъминоти учун 46,6 миллион сўм қабул қилинган. Лекин бу пуллар истеъмолчиларнинг шахсий ҳисобрақамларига ўтказилмаган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Янгиариқ тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда С.Б. тўловлардан тушган маблағни шахсий манфаатлари йўлида ўзлаштиргани аниқланган.

Банкнинг сайёр касса ҳисобчи-назоратчиси Т.Т. эса 2020 йилнинг сентябрь ойидан жорий йилнинг январь ойига қадар бўлган даврда ўзига ишониб топширилган жами 170 миллион сўм пенсия ва нафақа пулларини эгаларига тарқатмасдан, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бу Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Мирзо Улуғбек тумани бўлими томонидан Халқ банки Мирзо Улуғбек филиалининг мурожаатига асосан ўтказилган терговга қадар текширувда маълум бўлди.

Бош прокуратура матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга ташланди, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Муаттар Бурҳонова, ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

**“ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ  
ЖАМҒАРМАЛАРИ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН  
ИМТИЁЗЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ ҚАРОРНИ, ШУНИНГДЕК  
УНГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ ЎЗ КУЧИНИ  
ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2021 йил 3 февралда 2527-4 рақами билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган: кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.  
2020 йил 23 декабрь,  
329-В-4-сон

**Молия вазири**

Тошкент ш.  
2020 йил 15 декабрь  
57-сон

**Келишилди:**

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири**

Тошкент ш.  
2020 йил 15 декабрь

**Нурмуратов. М.Б.**

**Т.Ишметов**

**Хусанов Н.Б.**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Марказий банки бошқарувининг 2020 йил**

**23 декабрдаги 329-В-4-сон ва**

**Молия вазирлигининг 2020 йил 13 декабрдаги**

**57-сон қарорига**

**ИЛОВА**

## ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИЛАЁТГАН ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2013 йил 14 октябрдаги 329-В ва 98-сон “Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 47-сон, 622-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2014 йил 13 июндаги 329-В-1 ва 44-сон “Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2527-1, 2014 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 26-сон, 323-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 329-В-2 ва 123-сон “Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2527-2, 2018 йил 28 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2018 й., 10/18/2527-2/1974-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 329-В-3 ва 48-сон “Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2527-3, 2019 йил 22 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 10/19/2527-3/2986-сон).

## БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Ҳукумат қарори (05.02.2021 й.) билан Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.



**Низомга кўра, Молия вазирлиги томонидан банкларга ажратиладиган маблағлар ва банклар томонидан қарз олувчиларга бериладиган ипотека кредитлари:**

20 йилдан кўп бўлмаган муддатга бозор (фоиз) ставкасида ажратилади;

улар учун аннуитет тўловлар тартиби татбиқ этилади ва имтиёзли давр белгиланмайди;

фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камайтирилади, оширилган тақдирда ўзгаришсиз қолади.

**Мазкур низом қоидалари:**

шаҳар ва қишлоқ жойларда қурилган бирламчи уй-жой бозоридан кўп квартиралар уйлардаги квартираларни сотиб олишда;

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида 2020 йил 1 майгача умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредитларини ажратишда қўлланилади.

Шунга кўра, банклар ва қарз олувчиларга нисбатан мувофиқлик мезонлари ва уларга маблағлар ажратиш тартиби белгиланди.

**Фуқароларга ипотека кредити банклар томонидан:**

• бозор ставкасида;

• 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;

• бошланғич бадали тажриба ўтказилаётган вилоятларда яқка тартибда қурилаётган уй-жой қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

• сотиб олинган квартира қийматининг қишлоқ жойларда камида 10 фоизи, шаҳарларда камида 20 фоизи миқдорда;

• қишлоқ жойларда ва шаҳарларда – 1 ва 2 хонали квартиралар учун 240 млн. сўмгача, 3 ва undan кўп хонали квартиралар учун 320 млн. сўмгача;

• Тошкент шаҳрида – 1 ва 2 хонали квартиралар учун 264 млн. сўмгача, 3 ва undan кўп хонали квартиралар учун 352 млн. сўмгача берилади.

Мазкур тартиб яқка тартибдаги уй-жой қурилишига рухсат олиб, лекин кейинчалик бирламчи бозорда сотиш мақсадида қурилган кўп квартиралар уйлардаги квартираларни ипотека кредитлари орқали сотишга татбиқ этилмайди.

“Huquqiy axborot” телеграм канали



## ЎЙИН ОРТИДАГИ ЎЙ

### Нега шунақамиз?!

Агар дунёнинг йирик видео ўйинлар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг йиллик пул айланмасига эътибор берсак, айрим мамлакатларнинг маблағларидан ҳам ортиқ эканини кўришимиз мумкин. Булар: Япониянинг Square Enix компанияси йиллик пул айланмаси 1,26 млрд. доллар, Konami 3,24 млрд., Bandai Namco 4,74 млрд., Nintendo 6,28 млрд. доллар, Electronic Arts 4,14 млрд. доллар АҚШ, Activision Blizzard 4,85 млрд. АҚШ, Sega 4,9 млрд., халқаро компания, Microsoft Studios 12,82 млрд., Sony Computer Entertainment \$13,4 млрд. ва сўнггиси Франциянинг Ubisoft компанияси бўлиб унинг йиллик пул айланмаси 1,85 млрд. долларни ташкил этади. ТОП ўнталикка эътибор берсак, компанияларнинг аксари Япония ва АҚШга тўғри келишини кўришимиз мумкин.

Демак, мазкур йўналишга ҳам сармоя киритиш ниҳоятда фойдали саналади.

Афсуски, бу борада мамлакатимизда қилинажак ишлар бисёр. Лекин сўнгги йилларда АТ соҳасига берилаётган эътибор ҳамда ёшлар бу тармоққа қизиқишини инобатга олсак, яқин йилларда бизда яхши натижалар бўлса ажаб эмас.

Шундай экан замон фақат тараққиёт сари ахборот технологиялар сари одимлаётган бир пайтда фарзандларимизга смартфон компьютерлардан унумли фойдаланишни, яратувчанлик ҳиссини ўргансак бўл-

гани, шундагина улар ҳам келгусида дунёни забт эта оладиган дастурчилар, АТ соҳасидаги даҳолар бўлиб етишишса ажаб эмас.

#### ОҚ ва ҚОРА

Афсуски, видео ўйинларнинг барчаси инсоният учун яхши хизмат қиляпти дея олмаймиз. Мисол учун, Star craft, Line age, GTA, Catwoman, Transformers, Lift for dead, Sims city, Mortal combat, War Craft, Duty Jj3, Call of Duty, Shiper ops Red, Aylerd SPOR, Counter strike каби ўйинлар болаларга ёвузлик руҳида эртак айтишдан ташқари уларни «қаҳрамон» сифатида ўз ёвуз

даги ҳолатлардан нафақат ўзлари, балки жамият ҳам зарар кўради.

Ҳа, бунинг учун катталарнинг ўзи бироз саводли бўлишлари лозим бўлади. Болаларни молиявий саводхонлигини оширадиган, мулкни ёки пулни максимал фойда келтирадиган қилиб сарфлашга ўргатадиган Интернет ўйинлари ҳам кўп, аслида. Масалан, Ферма, Монополия, Энергия тармоғи, Калидонлар клани, Конкордия, Агрикола, Буюк Фарб ўйли, Виноделия, Браснинг «Ланкашир» ўйини, таниқли бизнес ёзувчиси Роберт



оламига олиб кириб кетади. Энди компьютер қаршисидаги бола сайтда ўз виртуал қиёфасини яратиб, турли кўнгилсиз воқеалардан иборат ҳаёт ичига киради. Айниқса, олис масофадаги «админ»лар назорат қилаётган интернетаро ўйналаётган Line age ўйини хавфлилик жиҳатдан юқори даражада. Ачинарлиси шундаки, баъзи катта ёшдагилар ҳам бу ўйинларни қизиқиб ўйнаётирлар.

Шунинг учун ҳам компьютерда сайтларни «қавлаётган» болаларнинг оталари дўппини ерга қўйиб, оналари бир озгина қозон-чўмичларини бир четга қўйиб ўйлаб, мулоҳаза юритсалар,

фарзандларининг тарбиясига озроқ вақт ажратсалар яхши бўлур эди. Бунинг учун уларни фойдали ўйинларга йўналтиришлари лозим бўлади. Чунки, юқори-

Кийосакининг «Пул оқими» ўйини кабилар болалар учун жуда фойдалидир. Бу ўйинларнинг нафлилик даражаси шундаки, болаларда пулни оқилон сарфлаш ва иқтисодий стратегияни ўргатади. Болаларда ўз-ўзидан иқтисодий фойдага интилиш, ишончли бизнес шериклар топиш ва ҳатто



дунё иқтисодиёти асосларини ўрганиш каби рағбатни пайдо қилади. Бу виртуал ўйинларда ахлоққа зид ҳолатни кузатмайсиз. Виртуал қаҳрамонлар орқали фақат бунёдкорлик ва фаровонликка интилиш кузатилади.

Юқорида таъкидлангани сингари вайронкорлик қилиш, қасрларни бузиш, ур-йиқит, ўлдириш ва бошқа ахлоққа зид ўйинлар яхшими ё фойдалиларими, ортиқ қийёс қилинг.

Сирасини айтганда, интернет сайтларидаги «маҳсулот»ларни танқид қилиш осон. Уларга муқобил миллий, болалар ва ўсмирларга мос, уларнинг қизиқиш оламирага хос ижод маҳсулларини биз ҳам ишлаб чиқарсак бўлади. Бугун фарзандингиз китоб ўқимаса расми китоб келтириб, шу расмдаги воқеани китобга ёзган, десангиз, у албатта ўқийди. Худди шу нарсани компьютер оламига кўчирсангиз, у шубҳасиз бошқа чалғитувчи сайтларга кирмайди, деб ўйлаймиз.

Чунки одатда бирор нимани тақиқлашдан аввал унга муқобил бошқа афзалроқ нарсани таклиф қилинади. Лекин ҳозирги замонамизнинг ва халқимизнинг ўзгачалиги шундаки, фойдали ўйинлар ва дастурларга камдан-кам сармоя тикилади. Бунинг оқибатида яратган миллий виртуал ўйинларимиз дунё стандартларига жавоб бермайди. Яна фалон давлатдан мунча йил ортдамиз, писмадон давлатга етиб олишимизга шунча йил бор деб юраверамиз. Аслида эса ҳаммаси ўз қўлимизда. Бунинг учун жуда ақлли бўлиш шарт эмас, шунчаки инновацион ғояларга, ихтиро ва кашфиётлар қилган

ёшларни рағбатлантиришга кенг йўл очиб, дунёни шундай кўзойнак орқали қараётган ёш кадрларга шароит яратиб берсак кифоя. Биз хоҳлардикки, қанийди миллий

бренд ва ёрлиғимиз кўриниб турган Интернет дастурларимиздан дунё фойдаланса...

Пўлат РУСТАМОВ

Бугунги ахборот асрида инсоният тобора компьютер технологияларига боғланиб қолмоқда. Айниқса, пандемия бу жараёни янада кучайтириб, бизни компьютеру смартфонларга янада муқассидан кетишимизга туртки бўлди. Гоҳида кўча-кўйда ёш болаларнинг йиғилиб турли жисмоний ўйинлар ўйнашини эмас, қўл телефонларга термулиб ўтиришганини кўрасан. Ҳатто маҳалладаги болалар ўйингоҳидаги турли ағримчоқлар улар учун қизиқ эмаслиги кишини ажаблантиради. Наҳотки, ўша смартфондаги видео ўйинлар ўзига шунчалик мафтун этса? Унинг сирини мада экан?

Бунинг сирини оддий. Бугун дунёда видео ўйинлар ишлаб чиқариш энг самарали бизнес ҳисобланади. Юзлаб компаниялар шу орқали миллиардлаб даромад олади. Шундай экан ҳар қандай кишини ўзига мафтун этиб, боғлаб қўядиган ўйин яратиш учун минглаб ходимлар тинимсиз изланишда бўлади, миллион долларлаб сарф-харажат қилинади. Албатта, бундай меҳнат ўз самарасини беради.

Мисол учун *GTV V ўйини биринчи марта 2013 йили PlayStation 3 ва Xbox 360 учун версиялари сотувга чиқарилди. Ўйинни ишлаб чиқариш учун 265 млн. доллар сарфланган. У сотувга чиқарилгандан сўнг, дастлабки 24 соат ичида 815 млн. доллардан ортиқ даромад олиб келган. Уч кундан кейин эса бу ўйиннинг даромади 1 млрд. доллардан ошган ва Гиннеснинг Рекордлар китобиغا киритилган.*



## ТУРКИЙЛАРНИНГ ИККИ АРСЛОНИ

**Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур сиймосида биз тафаккур майдонидоги арслонларни кўра-миз. Дарҳақиқат, бу икки алломанинг исмлари ҳам шер – арслон маъносини беради.**



Ғиёсиддин ва Салима биби хонадонидан бир фарзанд дунёга келди. Азиз Каюмовнинг "Алишер Навоий" асарида бу воқеа муфассал тасвирланган. Ғиёсиддиннинг қайинисини Али "Суюнчи берасиз, почча, хушхабар олиб келдим. Оллоху таоло сизга фарзанд ато қилди, ўғил!" дейди. Ғиёсиддин қайинисининг феълени ҳамда Пайғамбар алайҳи саломнинг куёвлари Алининг муборак номини хуш кўриб юргани учун қақалоққа шу исми қўйди. Шунингдек, Али ҳадисда "Худонинг шер" деб мақталгани учун "Али" исмига "шер" номини қўшиб чақриш кераклигини айтади.

Энди Бобурга келсак, унинг исми ҳам шер маъносини билдиради. Наманган яқинида Ахсикент шаҳри бўлган. Зилзила туфайли бу шаҳардан ҳозирда фақат харобалар қолган. Бобур айна шу шаҳарда туғилган. Ақлини таниган вақтида Андижонда яшаган ва унинг кўп хотиралари шу шаҳар билан боғлиқ.

Саидбек Ҳасановнинг "Бобур куллиёти" асарида айтилишича, Бобурнинг падарибузруквори Умаршайх Мирзо Аҳсининг дашту далаларига чиққанда Захриддинга овда бўри боласи ёки шербаччалар тутиб беради. Захриддин ўша йиртқич ҳайвон болалари билан ўйнайди. Буни кўрган қариндошлар Захриддинни "Бобир" деб чақира бошлашади. "Бобир" – арабча "шер" дегани. Кейинчалик бу ном Захриддинга тахаллус бўлиб қолади.

Навоий ҳам, Бобур ҳам аслзода кишиларнинг, яъни бекларнинг зурриёди эди. Энди иккита "Шер", яъни Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур бир-бирини билганми, бу буюк замондошларнинг орасидаги муносабатлар қандай эди, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бобур ўзининг қомусий характерга эга "Бобурнома" асарида Навоий ҳақида кўп эслайди. Шароит тақозосига кўра улар кўриша олишмаган.

Навоий ва Бобурнинг ўзаро ёзишмалари ҳақида маълумотлар бор. Вақти этиб, Бобур Хиротга келганда Навоий вафот этган эди. Бобур йигирма кун Навоийнинг уйида яшаб, асарлари билан тўлиқ танишади. Хусусан, "Ҳазойин-ул маоний" девонини мутолаа қилиб, аруз баҳри тартиби билан девон тузганини шундай изоҳлайди: "Алишербекнинг уйларини таъйин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларидо эдим. Одина кун, ойнинг йигирма учидо Алишербекнинг тўрт девонидан бухур ва авзон тартиби билан фазаллар ва абёткиким, интиҳоб қилладур эди, итмомиға етти".

Туркий адабиётнинг икки забардаст, алп намояндаларида ўзаро ўхшаш жиҳатлар, ижодларида муштарак ғоялар жуда кўп. Икки аллома ҳам туркий тил фақат ҳарбий лисон эмаслигини, у орқали гўзал адабиёт намуналарини яратиш мумкинлигини амалда исботлаган зотлардир. Шунингдек, сўз майдонининг икки арслони бир-бирини бехабар ҳолатда луғат ва

алифбо тузишган. Навоийнинг бу туркий луғати "Абушқа" деб номланиб, ҳозирда Истамбул кутубхонасида сақланмоқда. Бобурнинг алифбо ва луғати "Хатти Бобурий" бўлиб, унинг устида кўп ишлаганини ёзиб қолдирган. Навоий ҳам, Бобур ҳам мусиқа санъати ва унинг турларига муносабат билдиришган. Ҳар икки зотнинг билим қамровида барча илмлар бўлгани учун ҳам қомусий шаклдадир. Масалан, Навоийнинг "Тарихи ҳукамо ва анбиё" (Пайғамбарлар ва файласуф мутафаккирлар тўғрисидаги тарихий асар) асарининг тили Бобурнинг "Бобурнома" мемуарига ҳам ўхшайди.

Бу икки зотнинг асарларида ўз келажигини савқи табиий ила сезиб, изтироб чекиш ҳолати мавжуд. Масалан, Навоий "Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,

Жон баса қилдим фидо лек, оромижоне топмадим" сатри Навоий даҳосининг келажакда жамият ташвишлари, одам ва олам дарди билан яшашини ифодалаган. Яна ғазалиётининг бир нуқтасида "Нечаким тошким Фарход ушотти, Фалак борин йиғиб бошимға отти" дейди. Бу ҳам Навоий тоғдек юкни ўз зиммасига олаётганини билдирарди.



Бобур ҳам ҳали юртдан айрилмай туриб, айрилиқ, Ватан соғинчи ҳақида шеърлар ёзган.

**Масалан:**  
*"Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,  
Шод этмас кўнглини меҳнатда киши.  
Кўнглини бу ғарибликда шод ўлмади, ол,  
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши"*  
**каби унинг кўнгил нолалари мисол бўлади. Яна Бобурнинг**

*"Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди"*  
**сатрлари у Ҳиндистонга бормасидан аввал ёзилган деган тадқиқотчилар ҳам бор.**

Навоий ва Бобур ижодиётидаги уйғунлик ҳақида кўп олимлар изланишган. Шундай тадқиқотчилардан бири Баҳром Жалилов "Бобурнома" да Навоий ҳазратлари 16 бор тилга олинганини таъкидлайди.

Бобур ўз асарида Навоий ҳақида мухтасар, маъноли тарзда шундай таърифни айтадики, бундан унинг мутафаккир шоирга муносабатини яққол билиб оламиз: "Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтувурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтгон эмас... Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва мунаввий маълум эмаски, харгиз пайдо бўлмиш бўлғай..."

Биласиз, бу сўз ўрмонзорининг "буюк арслонлари" худди кўнгилларидек февраль ойининг бир-бирига яқин саналарида таваллуд топганлар. Зеро, шу кунларда жойларда ўтказилган навоийхонлик, бобурхонлик кечалари боис ажодларимиз руҳи шод бўлаётган эса ажабмас.

**Шукур ЖАБОР**


## ДАҲОНИНГ БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

**Ҳазрат Навоий асарларида иқтисодиёт ва қурилиш-муҳандислик соҳасига оид атамаларни учратамиз. Умуман, табиий фанлар бўйича, иқтисодий, сиёсий-ахлоқий-фалсафий фанлар, география, астраномия ва бошқа соҳаларни акс эттирувчи кўплаб атамалар борки, бу ўз-ўзидан, Алишер Навоийни шаҳарлар тархини яратишга меъморлар билан биргаликда бош-қош бўлганлигидан, айтиш жоиз бўлса, лойиҳачи-меъмор бўлганлигидан далолат бериб турибди.**

Ўқиган бўлсангиз, Алишер Навоийнинг мақолатларида ўнлаб илмий атамалардан фойдаланганлигини кўраемиз. Яна меъморчилик ва деҳқончилик борасидаги мукамал фикрлари бизни унинг сиймосини англашга ёрдам беради. Улар орасида "муҳандис", яъни қурувчи-инженер "бунёдкор" атамаси билан, "бино тархи", яъни бино лойиҳаси, "Чин наққошлари қаламлари" каби меъморчилик атамалари бугунги кунда кўп қўлланиладиган архитектура, амалий санъат, маданият, хунармандчилик каби соҳалар, "тарх" атамаси эса бадиий лойиҳалаш соҳаси бўлган "дизайн" тушунчаси билан боғлиқ. Демак, дизайн XV асрда Ўрта Осиёда кенг қўлланилган. У меъморчилик, хунармандчилик, амалий санъат, либос ва костюмлар яратишда устоздаларнинг ижодий фантазияси, билими ва тажрибаси маҳсули эканлигини яққол сезамиз.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Темурийлар давлати бош маданий маркази Самарқанддан Хиротга ўтади.

Султон Ҳусайн Байқоро даврида фан ва санъат соҳиблари бутун Маворонаҳр ҳамда Эрондан Хирот томон интиладилар. Шаҳар ва унинг атрофидаги ободонлик, хусусан, улкан биноларнинг бунёд этилиши асосан давлатнинг буюк вазири Алишер Навоий ташаббуси билан амалга оширилган эди. У минглаб ижодкорларга ҳомийлик қилди. Маълумотларга қараганда, Алишер Навоий ва унинг сафдошлари томонидан Хирот ва унинг атрофларида 300 дан ортиқ жамоат бинолари, масжидлар, мадрасалар, ҳаммомлар, истироҳат боғлари, саройлар, касалхоналар, қарвонсаройлар бунёд этилди. Мақбаралар, кўлаб ариқлар, сув омборлари, ҳовуз ва кўприклар қурилди. Тарихчи олим Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Астрабодда Тинчлик саройи, Марвда Жомеъ масжиди ҳамда Хуросондаги 12 та масжидни қайта таъмирлашда бош-қош бўлган.



Самарқанд, Бухоро, Марв, Хирот атрофларида оммавий тарзда истироҳат боғлари бунёд этилган. Улар "чорбоғ" деб юритилиб, шаклан тўртбурчак, квадрат ҳамда улар тўрттадан ўн олтигагача катакларга бўлинган. Уларда гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, атрофлари деворлар билан ўралган. Сув ҳавзалари ва ҳовузлар мўътадил иқлим ҳосил қилган. Бу боғлар темурий зодагонлар учун хизмат қилса ҳам, бу юртда истироҳат боғлари яратиш санъати ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради.

Амалиётда ҳам, ижодиётда ҳам яратувчи бўлган Алишер Навоий оламга ҳайрат кўзи билан боқди. Инсонийликнинг ҳам маънавий, ҳам шаклан тасвирларини чизди. Замон ва макон узра уларни уйғунлаштирди.

**Дадахон Ёқубов,  
Ўзбекистон санъат арбоби**

## ЯНГИ ИНВЕТОРЛАРНИ АЛДОВНИНГ ЯНГИ СХЕМАСИ ҲАҚИДА ОГОҲЛАНТИРИШДИ

Фирибгарлар янги иш бошлаган инвесторларни алдашнинг янги схемасини қўллашмоқда, дея огоҳлантирди "Сбербанк" вакиллари. Қаллоблар истиқболли қурбонларига кўнғироқ қилиб, Москва биржаси маслаҳатчиси деб ўзини таништирмақда ва юқори фоизли фойда келтиришига ишонтириб, акция сотиб олиш таклифини бермоқда, деб ёзади ТАСС агентлиги.



"Айнан ишини эндигина бошлаётган инвесторларга тез-тез кўнғироқ қилишмоқда – уларнинг аксарияти бозордаги бир неча лаҳзада иккиланган давомда даромад топишга уринади, шунинг учун уларни ишонтириш қийин бўлмайди", – дея огоҳлантирди "Сбербанк" банки. Бундан ташқари, "устаси фаранглар" инвесторларга "хавфсиз" илова орқали ҳисобрақам очишни таклиф этади. Айни пайтда тўлов дарчаси ҳақиқий банк ёки брокернинг дарчаси шаклига жуда ўхшаб кетади,

уларни фарқлаш эҳтимоли паст.

"Сбербанк" вакиллари Москва биржаси ходимлари инвесторларга кўнғироқ қилиб, у ёки бу маслаҳатни беришга ҳаққи йўқлигини таъкидламоқда. Қолаверса, Москва биржаси жисмоний шахсларга қимматли қоғоз сотмайди: у хусусий инвесторлар билан воситачилар (масалан, банк ёки брокерлик компанияси) орқали алоқага киришади. Фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик учун банкдагилар нотаниш шахслардан келиб тушадиган

хабарларга эътибор бермасликни ва улар жўнатаётган иловадан фойдаланмасликни тавсия қилади.

2020 йил ёз фаслида қабул қилинган инвесторларни категорияларга ажратишга оид қонунга кўра, инвесторлар малакали ва номалакали гуруҳларга бўлинади. Қонунга асосан чакана инвесторлар ўз брокерларида имтиҳондан ўта бошлайди. Номалакалиларига айрим воситалардан фойдаланишга рухсат берилмайди, масалан, тартибга солувчининг рўйхатида камида бир хорижий фонд индекси таркибига кирувчи хорижий компаниялар акцияларини сотиб олиш мумкин эмас.

2021 йил февраль ойида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин биржада тажрибаси кам иштирокчиларнинг маблағлари хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Путин депозитлар бўйича ставкалар пасайиши таъсирида бошқача шаклдаги қўйилмалар оммалашиб бормоқда, хусусан қимматли қоғозларнинг хариди кўпайгани. "Бу эса аввалбошидан банк омонатларига нисбатан таваққили восита ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорига ўз маблағларини йўналтираётган инсонларнинг манфаатини ҳимоя қилиш керак", – деди у.

*Швециядаги кўплаб банклар бизнеси етарли даражада экологик бўлмаган мижозларига кредит беришни рад этмоқда, деб ёзади Bloomberg.*



## ШВЕЦИЯ БАНКЛАРИ НЕФТЧИЛАРГА КРЕДИТ БЕРИШНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙДИ

Швециянинг йирик банкларидан бири – Swedbank AB иқлим омиллари асосида кредит ажратиш масаласини жиддий ўрганиб чиқмоқда. Стокгольмда жойлашган банк янги нефть газ лойиҳалари учун қарз бермай қўйган. Шунингдек, у Арктикада хомашё қазиб олиш учун пул беришни тўхтатиб қўйди. Молиявий муассаса аввалгидек "углеродли бетараф лойиҳаларни амалга ошириш"ни кредитлаш учун очиқ фаолият юритмоқда, дейди Swedbank Бош директори Йенс Хенриксон.

Бундай қарорлар банкларни танқид қилиш таъсирида қабул қилинади. Уларни иқлим ўзгариши муаммосини ҳал этишда етарли даражада иштирок этмасликда айблашган. Париж битими имзоланганидан буён ўн етакчи скандинав банклари кўмир, нефть ва газ соҳасидаги лойиҳа ва компанияларга деярли 70 миллиард АҚШ доллари ажратган.

Европадаги банклар углеродли бартафаоликка ўтишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Сабаби корхоналар ҳанузгача ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун ундан икки қисм маблағни кредиторлардан олади, деб ёзади нашр.

Аввалроқ Норвегиянинг Пенсия фонди (дунёнинг йирик захира фонди) хомашё излаб топиш ва қазиб олиш билан шуғулланувчи компаниялардаги активлардан воз кечди. Бу эса инвестициявий гигантнинг "яшиллашуви"га қўйилган қадам бўлди.

## БИТКОИННИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Жаҳоннинг энг йирик инвестиция компанияларидан бири Black Rockнинг раҳбари Ларри Финк биткоиннинг асосий муаммосини маълум қилди ва умуман олганда рақамли активлар бозоридаги муаммони очиклади ҳамда бу асосан унинг катта бўлмаган ҳажмида, деб ҳисоблади. Шу боис биткоиннинг нархиға йирик ўйинчиларнинг битимлари таъсир кўрсатиши мумкин, дейлади РБК хабарига.

Дарҳақиқат, криптовалюта бозорининг нисбатан катта бўлмаган бозори – бу рақамли активларнинг муаммоси ва камчилиги, дейди A Markets таҳлилий департаментининг раҳбари Артём Деев.



Турли ўйинчиларнинг активга эга бўлиш нияти ҳақида эълон қилиши уларнинг биткоинни харид қилиш ва сотиш бўйича ҳаракатлари ўша заҳотиёқ бозорни беқарорлаштиради. Шу боис биткоин жадаллик билан ўсиши ва пасайиши мумкин.

Бироқ биринчи муаммога боғлиқ ҳолда иккинчи муаммо ҳам бор. Бу биткоиннинг нархларидаги беқарорликда кўринади, – дейди мутахассис. – Бозор ҳажми қанчалик кўп бўлса, биткоиннинг волатиллик даражаси шунчалик қисқаради ва бирмунча барқарорлашади. Институцион инвесторлар бозорга пул кириб келиши ёки чиқиб кетиши ҳам нархга аввалгидек таъсир кўрсатмай қолади. Ушбу икки муаммо биткоин учун асосий ва бир-бирига боғлиқлигини кўйидагилар ҳам тасдиқлайди: сўнгги йилларда инвесторлар томонидан киритилган маблағлар ва бозор капиталлашувининг ўсиши билан асосий валюталарнинг барқарорлиги даражаси қисқарди. Шу боис бозор салмоқли даражада кўпайса, биткоиннинг барқарорлиги таъминланади ва бу ҳимоя активи сифатида қабул қилинади".

*Google компанияси хотин-қизлар ва осиеликлар камситилишига йўл қўйилгани боис 3,8 миллион АҚШ долларлик жарима тўлашга рози, деб ёзади АҚШ Меҳнат вазирлиги сайтида.*



## GOOGLE ОСИЁЛИКЛАР ВА АЁЛЛАРНИ КАМСИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАНИ БОИС ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Корпорациянинг бир неча филиалларида ўтказилган текширувга кўра, уларнинг айримлари эркак ва аёл ходимларга турлича иш ҳақи тўлаган ва осиеликларни ишга қабул қилмаган. Google зиммасига 1,25 миллион АҚШ долларлик махсус фонд тузиш вазифаси ҳам юклатилди. Ушбу фонднинг пуллари яқин беш йил давомида ходимларнинг иш ҳақини барқарорлаштиришга йўналтирилади. Компания келажакда ходимлар ва ишлаш учун келган номзодларга нисбатан тенг бўлмаган муносабат бошқа такорланмаслиги учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишини билдириб ўтди.

Аввалроқ хабар берилганидек, АҚШ адлия вазирлиги Спэс Хнинг раҳбари Илон Маскка нисбатан суриштирув ўтказётган эди. Компания ишга қабул қилишда айирмақашликка йўл қўйишда гумонланмоқда. Ху-

кумат Спэс Хдан ходимларининг АҚШ фуқаролиги ва унинг фуқаролик мақоми ҳақидаги маълумотларни очиклашни сўрамоқда. Компания раҳбарияти эса бу таклифни рад этди. Оқибатда Адлия вазирлиги компанияни судга берди.

Орегон штатидаги Университетлардан бирида ўтказилган сўнгги тадқиқотларга кўра, олимлар компанияларнинг ишга қабул қилишдаги тавсиялари боис қанча миқдорда молиявий зарар кўргани ҳисоблаб кўрилган. Fortune 500 (унга Американинг умумий даромади бўйича 500 та йирик корпорациялари киритилган) рўйхатидаги фирмалардан бири мисолида олимлар қилинган ҳисобларга кўра, ходимлар ўртасида айирмачилик ҳолати қайд этилганидан компания 1 йилда 2,8 миллион АҚШ долларигача бўлган маблағни йўқотиши мумкин.



ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАГИ  
“WELTEX”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИ



Юртимизнинг гўзал, бир-биридан меҳрибон  
она-сингилларимизни яқинлашиб келаётган  
8 март – Халқаро хотин-қизлар куни  
муносабати билан муборакбод этади.



Ўзбекистон аёлларига  
сиҳат-саломатлик,  
хонадонларидан файзу  
барака, юзларидан  
табассум аримаслигини  
тилаб қолади.

# БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БИЗНЕС  
ФИНАНСЫ  
АНАЛИТИКА  
ИНВЕСТИЦИИ  
ЭКОНОМИКА  
СТАТИСТИКА

## НОВЫЙ АЛЬТЕРНАТИВНЫЙ ВЗГЛЯД ВЕДЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ

Во многих случаях традиционные виды политики поддержки экономического роста – развитие рыночных отношений и бизнеса – рассматриваются как ключевой фактор в сокращении бедности, и любая политика, направленная на обеспечение экономического роста, считается также направленной на сокращение бедности. Поэтому что экономический рост в стране означает рост доходов, а рост доходов – ведет к повышению благосостояния людей.

Главной целью экономических реформ в 2021 году станет сокращение бедности, и она будет достигаться не только за счет высоких темпов экономического роста, но и создания равных возможностей для всех.

Почему необходима параллельная политика, направленная на улучшение условий бедных. Эту тему развил в своей авторской статье «Почему необходима параллельная политика, направленная на улучшение условий бедных» в журнале «Экономическое обозрение» эксперт, заведующий сектором Центра экономических исследований и реформ Бахтишод Хамидов.

Наглядный пример – это Китай, где быстрый экономический рост сказывался на сокращении доли бедных в стране. Dollar и Kraay также в своем исследовании приходят к выводу, что экономический рост способствует сокращению бедности, поскольку без экономического роста средние доходы бедных не могут увеличиваться. Однако, практика других стран показала, что в некоторых случаях экономический рост автоматически не ведет к сокращению бедности. Наоборот, это может только обогатить богатых в обществе и спровоцировать новую проблему – неравенство доходов, что неблагоприятно отразится на будущих темпах экономического роста. Наглядный пример – Аргентина, развитая страна начала XX века, которая из-за обострения проблем не-



равенства попала в число развивающихся стран и все еще борется с негативными последствиями совершенных ранее ошибок.

